

Жанговар атеизм учун

Атеистик клуб очилди

Хўжаобод район партия комитети қишлоқ меҳнатнашлари ўртасида атеистик тарбияни кучайтириш мақсадида атеистик клуб ташкил этди. Унга «Аланга» номи берилди. Атеистик клубга қирар экансиз, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг дин ҳақидаги сўзлари диққатингизни тортади.

Атеизм, янги турмуш тарзини қарор топтириш мавзуларида ўтказилаётган лекциялар, шу мазмундаги адабиётлар, колхоз радиоузели эшитиришлари колхозчиларга манзур бўлмоқда.

М. АБДУҚОДИРОВ.

Имкониятлар

ишга солингач...

Косонсой районида меҳнатнашлари илмий-атеистик руҳда тарбиялашда тур-

Қизиқарли учрашув

Кечки пайт. Колхозчилар Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг шинам клубида тарихий ва маданият ёдгорликлари сақлаш бўлимининг кўча кўрғазмасини, шу боғида жойлашган «Шон-шухрат уйи»ни, область маданият бошқармаси бадий ҳаваскорларининг чиқишларини томоша қилишди. Шундан сўнг агитбригада коллективи навбат олди.

Наманган область партия комитетининг «Витсин хурофот» деб номланган агитбригадаси ана шундай суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, кўрғазмалар ташкил қилмоқда.

Агитбригада Тўрақўрғон районидаги Шаҳанд, Наманган районидаги Қумқўрғон, Янгиқўрғон районидаги Зарб-

дор, Уйчи районидаги Жийдакала қишлоқларида қизиқарли учрашувлар ўтказди.

И. ИСМОИЛОВ.

Самарқандлик Э. Ҳамроқулов, А. Набиев, бухоролик Ю. Юнусов, Тошкент облатидан Н. Мирзаев ва Қаршидан П. Раҳманов ўртоқлар ўз хатларида атеистик тарбиянинг актуал масалаларини, янгича урф-одатлар ва анъаналарни ҳаётга тобора кўпроқ татбиқ этишининг янги формалари ҳусусида фикр юритадилар. Хоразмлик Б. Жуманиев ва Наманганлик Т. Толипов ўртоқлар Совет ҳоқимиятини муштахкамлаш ва революция ғалабаларини таъминлаш учун фалол курашганлар ҳақида, сирдарёлик А. Бурлиев «Малик» совхозни ёшларнинг мамлакатимиз ва социалистик мамлакатлар ёшлари билан интернационал алоқалари тўғрисида хабарлар йўллашган.



КОЛХОЗЛАРАРО ШИФОХОНА

Қишлоқ меҳнатнашлари сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишда санаторий-профилакторийларнинг роли катта. Шу боис кейинги йилларда бундай шифохоналар тармоғи кенгайиб, улардаги ўрилар сони анча кўпайди. Риштон районидаги колхозлараро санаторий-профилакторийда, масалан, бир йўла юздан ортқ киши ҳордиқ чиқариб, даволанишни мумкин. Бу ерда мукамил даволанг усулалари билан жойлашган йигирмата кабинет ишлаб турибди.

Сураатларда: 1. Даволаш физкультураси кабинетда инструктор Маъмура Исмоилова Фарғона район Илчи номи колхоз механизатори Екубжон Расулов билан машғул ўтказмоқда. 2. Колхозлараро санаторий-профилакторийнинг умумий кўриниши.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

Спорт

ФУТБОЛ:

МАВСУМ АРАФАСИДА

Фарғонада биринчи ва иккинчи лига командалари ўртасида ўтказилган турнир натижасига эъди. Бу ўйнарлар футболчиларнинг СССР чемпионатида тайёргарлик кўриш борасида ўзига хос босқич бўлди. Турнирда Тошкентнинг «Пахтакор», Душанбанинг «Помир», Кемеровнинг «Кузбасс» ва Фарғонанинг «Нефтяник» коллективлари иштирок этишди.

Пахтакорчилар барча учрашувлари ғалаба билан якуниладди. Тошкентликлар сўнгги турда «Помир» командасини 1:0 ҳисобида енгдилар.

СУЗИШ:

МУНОСИБ ҲИССА

Германия Демократик Республикасида халқаро мусобақа ўтказилди. Унда совет спортчилари ақойиб ғалабага эришдилар. Днепрпетровсклик Вадим Яришчук 200 метрга комплекс сузишда маррага ҳаммадан олдин етиб келди.

Тошкентлик Сергей Заболотнов хурмат шоҳусининг биринчи поғонасини эгаллади. У 100 метрга хал-

қанча сузишда ғолиб чиқди. Спортчилар бу масофани 57.24 секунд ичида сузиб ўтди.

СОВРИНЛАР ВА УРИНЛАР

Дехлида ўтказилаётган халқаро футбол турнири якуниладди. СССР олимпиада терма командаси Дания футболчиларини, болгариялик спортчилар эса ГДР командасини бир хил—3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди ва финалга чиқишди.

Биринчи ўринни олган командага Ҳиндистон президенти Жавахарлал Неру хотираси турнирнинг бош соврини топирилади.

Аэрофлот соврини учун Москва олимпиада велотрекида мусобақалар бўлиб ўтди. Киевлик Н. Крушельницкая 500 метрлик пойгада ёпиқ заллар учун янги жаҳон рекордин ўрнатди.

СССР ва АҚШ ёрқин курашчиларининг иккинчи учрашувида ҳам омад мамлакатимиз спортчиларига қулиб боқди. Улар 8:2 ҳисобда устун келишди.

7 февраль кунин Ленинградда учинчи, хал қилувчи баҳс бўлди.



ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Гулистон газ тўлдириш станцияси қурилишда асосий ускунани монтаж қилиш тугалланди. 93-максус трестнинг Қаршидаги механизациялашган кўча колоннаси монтажчилари, пайвандчилари бу ишни тез ва яхши бажардилар.

Бу ишдан қувонмай бўладими: яқин орада ҳар кун 500 та автомобиль экологик жиҳатдан тоза ва аэрозон ёқилги — газ билан таъминланади. Машиналарни газ билан қоритишга ўтказиш ҳар

йили 5400 тонна бензинни тежашга ўтиш имконини беради...

Аммо ҳозирча хурсанд бўлишга ўрин йўқ. Монтаждилар ўз ишларини тез бажардилар. Бош пудратчи — 7-қўрғон трестининг 1-механизациялашган колоннаси шунчаки «сустишлик» қилганига қўлмай, балки кичик пудратчи ташкилотчилар учун атайлаб қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Натижада план муддатлари барбод этилмоқда.

ҚУРИЛИШ ЧЎЗИЛИШНИНГ САБАБЧИЛАРИ

6 мингта шартли бирлигдаги асбоб-ускуна жадал монтаж қилинганлиги бутунлай Қарши колоннасининг хизматлари. Воқеа эса бундай бўлди: қурувчилар Қаршидан учиб келишди, объектда эса ускуналарни монтаж қиладиган майдонлар йўқ эди. Графкини бажариш учун кўп куч сарфлашга тўғри келди. Яна бош пудратчи ташкилот уш сменали ишни ташкил этмади. У ерда умуман аниқ қурилиш мароми йўлга қўйилмаган. Қурилиш

майdonи тунда ёритилмайдиган, шунингдек бутун энергия таъминоти системасида узил-пишлар бўлиб туради.

Демак, автомобиль корхонасида келгусидаги тежамкорлик тўғрисида ҳисоб-китоблар қилишга шозишлиди. Қурилиш эгалари ишларни чўзиб юборишга ўрганиб қолганлар. Улар бундан воз кечишлари қийин.

Г. ОГОРОДОВ, В. РУДАНОВА, (ЎзТАГ мухбирлари).

ХОДИСА

БЎРИ ОВИ

Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чўпонга Таслимбой Муталев ўзласини уйига олиб келиш учун юк машинаси керак бўлди. Чўпон адирадада сурувларни боқиб қорар экан, олисда катта бир йиртқич қўларнинг изига тушганлигини пайқаб қолди. Чўпон уни алдаш ва беҳато отиб ўлдирини учун бир неча кун овоза бўлди.

Бундан бир неча йил аввал бўрини ов қилиш тақиқланган эди. Шундан кейин жанубий Тянь-Шан этакларида бўри қўнайиб қолди, дейди Наманган область оқчилар ва балиқчилар жамиятининг бош егери Ф. М. Пигородов. — Лекин бу сафаргис кишини ҳайратда қолдиради: йиртқич область маркази билан Чуст станцияси ўртасида аҳоли қалин яшайдиган жойларда пайдо бўлганлиги. Сабаб шунки, бу йил қишда тоғларга кўп қор ёғди, қаттиқ совуқ бўлди, бунинг устига у ерда қийин, қўён, ёввойи эчки ва нақоблар, ов паррандалари камайиб кетди. Афтидан, бўри оқ қолган, қорнинг тўғайиш умидада гажув жойларга тушиб келган қўрғинади.

Бу йиртқичлар сонини маромига қўйиб туриш чоралари қўйилди. Қиш мубайида оқчилар ва чўпонлар ўн-тадан кўп бўрини ов қилишларига тўғри келди.

(ЎзТАГ).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Бир хат узидан

ЙЎЛНИ ҚАНДАЙ «БИТКАЗИШДИ?»

дон мавжуд. Ўрта мактабда 400 га яқин ўқувчи таълим оляпти. Аҳоли 2 минг гектар майдонда ғалличилик, 150—200 гектар ерда мак-нажўрчилик билан шуғулланади. Шахсий хўжаликлар давлатга ҳар йили 7—8 тонна атрофида тушт топиради. Шунингдек, бўлим район аҳолисинга сабабоқ маҳсулотлари етказиб беради.

Яқинда масала совхоз маъмурияти, Ғаллакор қишлоқ Совети олдинга қўйилган қилиб қўйилди. «Қандайча лой кечиб юрамиз? Ҳеч бўлмаса текислаб, тош йўл қилса бўлмайди?» — дедилар қишлоқдагилар.

Бўлди, — ҳовиржа-вобилк қилди директор Янгибой ўсаров. — Ўртага техника юбораман, катта йўл бошида кутиб олинган.

Улуғ Ватан уруши инвалиди Орзи Бойтўраев, вете-

«Хурматли редакция! Биз жулда кўп жойларга мунокаат этиб, икбий маъво ололмадик. Ва, ниҳоят, халқнинг талабини нобозта олишди, деган умидда редакцияга мунокаат этилганлик маъвога нобозта олишди. 8 киши имзо чеккан ҳатда.

Район Совети ижроия комитетидамиз. Аҳоли талабини қандай бажарилаётганини, йўл қурилиш учун лойиҳа-смета тузилган-тузилмаганини на РАПО-даги мутасадди ўртоқлар, на совхоз раҳбарлари ва на қишлоқ Советдагилар аниқ билишди. Йўлнинг 1987 йил планига киритилмагани эса аниқ эди. Кейинчалик маъво бўлишини, лойиҳа-смета учун бюртма берилган экан, холос. Унинг қачон тайёр бўлишини эса

ҳеч ким билмайди. Аниқроғи, бу тўғрида ҳеч ким қайғурмаган. Демак, яқин келажда йўлга асфальт этикиш ҳақида гап ҳам бўлиши қийин. Балки бошқа чорасини қўриш керакдир?

— Ҳозирча йўлни текислаб берамиз, — деди район ижроия комитетининг раиси О. Умаров. — Ўртагайк бу ишга киришилди. Ўч-тўрт кунда ҳал бўлади.

Ранс бизнинг олдимизда зарур кўрсатмаларни берди. Тегишли ваъдалар олинди. Орадан ўн кун ўтгач, ана қишлоққа бордим. Йўл ўша ўша ҳолатда эди. Аниқроғи, совхоз тракторчиси Нормурод Эшназаров «Олтой-4Т» тракторига кирка судратиб, йўлнинг устин қисмини тирнак бошлаган экан. Тирналган жойдан автомашиналар ўтиб, йўлни ана олдинги ҳолига келтирдилар.

— Бундан нима фойда, ўзим ҳам билмайман, — деди тракторчи. — Грейдер келадиган, дейишганди. Дараги йўл, Текислашган билан ҳам бир ёнингариликдан сўнг йўл ана ўқир-қўқир бўлиб қолади. Еримиз шунақа. Ях-

шиси, шағал тўкиш лозим эди. Шу атрофда шағал ҳам бор.

Бўлим бошқарувчиси Мелиқўзи Ибрагимов билан Ғаллакор қишлоқ Совети раиси Иброҳим Ўрашевнинг кабинетида учрашдик.

Грейдер келганидан, бузук экан, — деди у, — Йики-уч қисис юрмайди, дейишди.

— Унгача йўл илгаргисидан ҳам ёмон аҳволга тушмайдими?

— Шундай. Аслида грейдер текислаганидан кейин ҳам ёнингарилик тупроқни ювиб кетади, — тракторчининг гапини тасдиқлади М. Ибрагимов. — Номитгагина бўл-япти бу ишлар.

Ҳақиқатан ҳам йўл рементига «Хўнақўрсин» учу қўл урилатгани кўриниб туради.

Тўғрилаймиз. Бошқа имкониятларини қараб чика-миз, — деди совхоз директори Янгибой ўсаров.

Яна ваъда. Яна эски гаплар. Қишлоқ оқсоқоллари қайта-қайта айтишганидек, қуруқ сўз эмас, текис йўл кераклигини директорга ас-латиб ўтимадик.

Райижроком раиси Оқбута Умаровнинг «Халққа хизмат қилиш — бурчимиз. Шундай экан, Боймоқли қишлоғи аҳолисининг ҳақли талабини бажарамиз», — деган сўзларига тўла қўйи-ламиз.

Лекин хурматли раисга ҳозир сўз ва иш бирлиги дари эканлигини яна бир бор ёслатиб қўйишни лозим топ-дим.

Б. САТТОРОВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

РЕКЛАМА * ЎЗЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ КОМИТЕТИ

РСФСР КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИГА ВО-РИБ ДОИМИЙ ЯШАВ ҚОЛИШ УЧУН

ОИЛАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА

КЎЧИРИБ ЎТКАЗАДИ

Кўчиб бориш хоҳишини билдирган граждандар қуйи-даги жойларга расмийлаштириладилар:

Тошкент облатига — 23 февралгача;
Киров облатига — 28 февралгача;
Чита облатига — 1 апрелгача;
Иваново облатига — 20 апрелгача;
Хабаровск ўласига — 1 мартгача;
Амур облатига — 10 мартгача.

Кўчиб бориш учун расмийлаштирилган оилаларга 2 тоннагача бўлган ўз мол-мулкларини бепул ташиб бориш ва бепул йўл юриш ҳуқуқи берилади, уларга бир йўла ёрдам пули туланади, бундай оилалар турар жой ёки квартира, қуришлари бўлган томоҳқа улашқалари билан таъминланадилар.

Янги кўчиб бортанлар икки йил мобайнида квартира ҳақи ва саккиз йил мобайнида қишлоқ хўжалик солиқлари тулашдан халос этилади.

Расмийлаштириш масалалари бўйича барча справалар юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Шаҳарларда — область ижроия комитетларининг меҳнат бўлимларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бюр-ларига;

Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Давлат меҳнат комитетига;

Районларда — Қорақалпоғистон АССР Давлат меҳнат комитети вакилларига ва область ижроия комитетларининг меҳнат бўйича бўлимларига.

Тошкент шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳо-лини ишга жойлаштириш бўйича район пунктлари.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Хўнар-техника таълими давлат комитети 3-ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1987—1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

сановат асбоб-ускуналарни бўйича слесари, механика-ийгув ишлари слесари, қўлда иш бажарувчи электр пай-вандчи, фрезерчи, электромонтер (электр монтажчи), кенг профилдаги ишчи, ОТК контролери, прессловчик-қопчи, машина-контакт пайванд бўйича электр пайвандчи, программани бошқариладиган станокларнинг операторла-ри.

Ўқиб муддати — 1-3 йил.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йил муддат билан таълим олинадиган группалар-нинг ўқувчиларига ўрта хўнар-техника билим юртини ту-гатганлиги ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида 8-синфин битириб келган ўқувчилар бе-пул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминлана-дилар.

Ўрта маълумотлилар эса стипендия оладилар, бошқа баъзи мутахассисларнинг ғалабалари қўшимча равиш-да «Ташселимаш» заводи базасида корхонасининг стипендия-сини ҳам оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти туланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар сенция тўлидаги ётоқ-хоналар билан таъминланади.

Ўқиб даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртиларига мажбурий ишлаб бериш стажисиз ўқиш-га кириш ҳуқуқинда фойдаланадилар.

Билим юртида техника ижоди, бадий ҳаваскорлик тў-гараклари, фототўгарак, спорт секциялари ишлаб туриб-ди.

Билим юрти ўқувчилар ёзда дам олишлари учун «Чор-воқ» посёлкиса районида ўз базасига эга. Ҳар кунин 8.30 дан бошлаб хизмат автобуси қатнайди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ариза, маълумот ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақидаги справка, ишлаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донна фотосурат.

Машигулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-«экспресс» автобусларнинг «3-хўнар-техника билим юрти», 16, 89-автобусларнинг «Қасб касалин-лари институт» бекатлари).

Театр

НАВОИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК НАТТА ТЕАТРИДА — 6/II да Қўшга таъзия илм, 7/II да Петр Би-ринчи.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да Бахтли гадолар, 7/II да Бой нал хиз-матчи.

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-ДА — 6/II да Аршин мол-олон, 7/II да Хийла шаръий.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да Саратондаги изғирин, 7/II да Томоша (15.00).

ДОИМИЙ ИШГА

сатр териш машинасида ишловчи малакали линотип-чилар

КЕРАК

Елгиз қишлоғига ётоқхо-надан жой берилади, оилали қишлоқлар (2-3 йил мобайнида квартира олинган шарт билан) ётоқхона билан таъминлана-дилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўча-си, 41-уй, кадрлар бўлими. Телефон 33-80-83.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демиясининг Кўбемалар ин-ституту маъмурияти, партия ва маҳаллий комитети институт ходими Л. Одиловага онаси

Марзия

ОДИЛОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия низоҳ қи-лади.

Ўзбекистон ССР Нефть маҳ-сулотлари таъминоти давлат комитетининг Республика ин-формация-хисоблаш маркази коллективини бош инжениер

М. Н. Носировга онаси

Жаннат

ОРИТҚОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия низоҳ қи-лади.

Тошкент халқ хўжалиги институту коллективини кафедра мудири Н. К. Рўддоевага ота-си

Қурбон

ЯТЛДОВЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия низоҳ қи-лади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Телевидение

МТ-1. 8.00 — Зарфия. Муль-фильм. Музика. 8.30 — Вре-мя. 9.15